# ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

## *Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг 1990 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши*

1990 йилнинг биринчи чорагида СССР халқ депутатлари II съезди қарорларига мувофиқ вилоят иқтисодиётини соғломлаштириш ва уни ижтимоий соҳага йўналтиришни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Истеъмол буюмлари тайёрлашни ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан илдам суръатларда ривожлантиришга эришилди. Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожланди.

Хўжалик юритиш ва бошқарув ташкилий тузилмаларининг янги шакллари қарор топмоқда. 1990 йилнинг биринчи чорагида 23 та саноат корхонаси, 56 та қурилиш ташкилоти, 556 та чакана савдо корхоналари, 425 та умумий овқатланиш корхоналари ва бошқа қатор корхоналар ҳамда ташкилотлар ижара пудрати асосида ишлади. Кооперативлар сони ортмоқда.

Бироқ халқ хўжалигини ривожлантиришда барқарорлик ва мутаносибликка умуман эришилгани йўқ, меҳнат унумдорлигига нисбатан унга ҳақ тўлашнинг илдам бориши ҳамон сақланмоқда.

Қоғоз пул чиқариш кўпайди, уларнинг умумий муомаладаги салмоғи аввалгидек товар таъминотидан кўп бўлмоқда ва истеъмол бозоридаги аҳволни мутаносиблаштиришга имкон бермаяпти.

1990 йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагича бўлди:

| | 1990 йилнинг 1 чораги | | |
|---|---|---|---|
| | Миллион сўм (амалдаги нархларда) | йиллик планга нисбатан фоиз ҳисобида | 1989 йилнинг биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида |
| Саноат маҳсулоти ҳажми | 2248,7 | — | 101,4 |
| Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш (мева, сабзавот маҳсулотлари ва тухум маҳсулотларининг бозор фондидан ташқари) | 1139,7 | 24,5 | 105,8 |
| Шу жумладан: | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | 272,5 | 25,2 | 97,9 |
| Алкоголли ичимликлар | 140,7 | 23,2 | 104,3 |
| Ноозиқ-овқат маҳсулотлари | 726,5 | 24,5 | 109,5 |
| Давлат марказлашган капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг фондлари маблағлари ҳисобига ишга тушириш: | | | |
| асосий фондлар | 143,7 | 8 | 86 |
| уй-жойлар — минг квадрат метр | 295,7 | 18 | 146 |
| Давлат марказлашган капитал маблағлари ва корхоналар ҳамда ташкилотлар фондлари маблағлари | 269,9 | 16 | 95 |
| Умумий фойдаланишдаги транспорт билан юк ташиш (жўнатиш) — миллион тонна | 23,1 | 24,9 | 95,5 |
| Умумий фойдаланишдаги транспортда пассажир обороти — миллион пассажир-километр | 3656,4 | 20,5 | 103,7 |
| Халқ хўжалиги бўйича фойда | 419,7 | 26,3 | 97,9 |
| Меҳнат унумдорлиги: | | | |
| саноатда | — | — | 103,1 |
| қурилишда | — | — | 98,2 |
| Халқ хўжалиги бўйича ишчилар ва хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди | 927,9 | 25,3 | 106,3 |
| Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти | 1292 | 25,5 | 111,6 |
| Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш | 170,2 | 22,2 | 102,9 |

1990 йилнинг биринчи чорагида вилоят халқ хўжалигида 1501,2 минг нафардан ортиқ киши, шу жумладан давлат секторида 1410,6 минг, кооперативларда (ўриндошлик асосида ишлаётганлар ҳисобга кирмайди) 21,5 минг киши банд эди, колхозчилар сони 69,1 минг кишини ташкил этди.

Давлат корхоналарида, муассасалар ва ташкилотларда кадрлар қўнимсизлиги кучайди. Бу ходимларнинг бўшатилиши, давлат секторидан кооперативларга ўтиш, аҳолининг кўчиши билан боғлиқдир.

### МОЛИЯ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ

Йилнинг биринчи чорагида бюджетга оборот солиғидан 322,9 миллион сўм тушди, бу ўтган йилнинг шу вақтидаги даражадан 5,6 миллион сўмлик ёки 1,7 фоиз камдир. Давлат корхоналари ва ташкилотлари фойдасидан (даромадидан) бюджетга тўловларнинг тушиши кўпаймоқда. Биринчи чоракда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13,8 миллион сўмлик кўп тўловлар тушди. Чорак режаси 111,7 фоиз қилиб бажарилди.

Корхоналар ва ташкилотлар 1990 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,8 миллион сўмлик ёки 2,1 фоиз кам фойда олдилар. Фойда олиш режаси 107,6 фоиз қилиб бажарилди. Корхона ва ташкилотлар қабул қилаётган режалар зўриқмаганлигича қолмоқда. Хусусан, январь-март учун қабул қилинган режа ўтган йилнинг амалдаги даражасидан 9,0 фоиз камдир.

**Тўлов интизоми** паст. Вилоят халқ хўжалигига берилган кредит маблағлари 1990 йилнинг 1 апрелига келиб 3,0 миллиард сўмни ташкил этди, бу маблағларнинг 0,2 миллиард (1,8 фоизи) сўмининг муддати ўтиб кетган.

Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг **пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи** 1989 йилнинг биринчи чорагидаги 200,1 сўмдан 1990 йилнинг биринчи чорагида 219,3 сўмга етди, колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш 66,5 сўмдан 84,5 сўмгача ортди.

Иш ҳақининг ошиши кўп жиҳатдан давлат бюджети ҳисобига иш ҳақини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш, йил якуни бўйича ва кўп йиллик меҳнати учун тўловларни кўпайтириш, маошларнинг янги ставкалар ва окладларга ўтказишни давом этиши билан изоҳланади. 1990 йилнинг 1 январидан маданият ходимлари, 1 мартидан давлат ҳакамлиги органлари ходимларининг иш ҳақи оширилди.

Саноатда, қурилишда, лойиҳалаш-конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотларида иш ҳақининг ортиши бир мунча секинлашди. Меҳнат ҳақи фонди ўсиши суръатларининг пасайишига иш ҳақи фонди ўсишини солиқ воситасида тартибга солишнинг жорий этилганлиги, лойиҳа, конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотларида иш ҳақининг асосланмаган тарзда ўсишини тийиб туриш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги таъсир этди.

1990 йилнинг 1 январидан бошлаб болалигиданоқ ногирон бўлиб қолган кишиларга ҳар ойда тўланадиган нафақа 70 сўмга қадар оширилди. Шу йилнинг бошидан бошлаб ишчи ва мастер бўлиб ишлашни давом эттираётган пенсионерларга, шунингдек ишлаётган ногиронларга (иш ҳақининг қанча бўлишидан қатъий азар) пенсияларини тўла ҳажмда тўлаш тартиби белгилаб қўйилди.

Аҳолининг СССР Жамғарма банки муассасаларидаги омонатлари йилнинг биринчи чорагида 126,2 миллион сўм кўпайди ва 3120,1 миллион сўмни ташкил этди. Бундан ташқари СССР Жамғарма банкининг 19,8 миллион сўмлик сертификатлари сотилди.

### ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ ВА ХИЗМАТ СОҲАСИ

1209 миллион сўмлик **халқ истеъмоли товарлари** (мева, сабзавот маҳсулотлари ва тухум маҳсулотларининг бозор фондлари ҳам ҳисобга киради) ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан 62,8 миллион сўмлик кўпдир.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

(чакана нархларда; миллион сўм)

| | 1990 йилнинг биринчи чорагида амалда | Планнинг бажарилиш фоизи | 1990 йилнинг биринчи чорагида 1989 йилнинг биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Халқ истеъмоли товарлари (бозор фондидан ташқари) | 1139,7 | 103,5 | 105,8 |
| Шу жумладан: | | | |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 272,5 | 102,3 | 97,9 |
| алкоголли ичимликлар | 140,7 | 105,0 | 104,3 |
| ноозиқ-овқат маҳсулотлари | 726,5 | 103,6 | 109,5 |
| Шу жумладан: | | | |
| енгил саноат товарлари | 328,5 | 102,9 | 101,9 |

Шу йилнинг биринчи чорагида айрим озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди (чакана нархларда; миллион сўмлик);

| | 1990 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқарилгани | Режанинг бажарилиш фоизи | 1990 йилнинг биринчи чорагида 1989 йилнинг биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Гўшт (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 10,9 | 105,1 | 82,0 |
| Колбаса маҳсулотлари (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 8,3 | 102,8 | 95,3 |
| Мол ёғи (давлат ресурслари хом ашёсидан) — тонна | 11 | 110,0 | 100,0 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 52,9 | 105,2 | 99,1 |
| Маргарин маҳсулоти — минг тонна | 8,8 | 100,3 | 100,3 |
| Ўсимлик мойи (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 15,9 | 101,6 | 102,3 |
| Қандолат маҳсулотлари — минг тонна | 25,5 | 101,5 | 102,2 |
| Консервалар — шартли миллион банка | 29,6 | 109,6 | 75,7 |
| Шу жумладан: | | | |
| мева-сабзавот консервалари | 29,6 | 109,6 | 75,7 |
| Минерал сувлар-миллион декалитр | 1,3 | 102,2 | 92,5 |
| алкоголли ичимликлар (мутлоқ алкоголга айлантириб ҳисоблаганда) — минг декалитр | 50,5 | 106,3 | 88,6 |

Ўзбекистон ССР давлат қишлоқ хўжалиги кооперативи комитетининг қатор корхоналари хом ашё етишмаганлиги оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1989 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан камайтириб юборди. Бекобод гўшт комбинатидан ташқари барча гўшт комбинатларида гўшт ишлаб чиқариш, Тошкент, Чирчиқ гўшт комбинатлари ва Янгийўл экспериментал колбаса заводида колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайди. Бўстонлиқ ва Ангрен сут заводларида қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайди.

Айрим ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши қуйидагича бўлди:

| | 1990 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқарилгани | Топшириқнинг бажарилиш фоизи | 1990 йилнинг биринчи чорагида 1989 йилнинг биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Трикотаж буюмлари — миллион дона | 7,4 | 100,6 | 100,3 |
| Шу жумладан болалар учун (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги) | 4,4 | 102,6 | 94,8 |
| Пайпоқлар — миллион жуфт | 0,1 | 97,5 | 79,3 |
| Пойабзал — миллион жуфт | 4,1 | 100,4 | 101,2 |
| Шу жумладан болалар учун (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги) | 2,8 | 110,9 | 134,9 |
| Мебель — миллион сўмлик | 43,9 | 106,0 | 109,5 |
| Чинни-фаянс идишлари — миллион сўмлик | 10,2 | 104,5 | 117,8 |
| Сунъий ювиш воситалари — минг тонна | 9,6 | 106 | 105 |
| Шу жумладан майда қадоқлангани | 7,9 | 107 | 108 |
| Кир совун — минг тонна | 6,9 | 100,0 | 118,3 |

**Чакана товар обороти ҳажми** 75,0 миллион сўмлик ёки (амалдаги нархларда) 11,6 фоиз кўпайди ва 1292 миллион сўмликни ташкил этди. Чакана товар оборотининг жами ҳажми режаси 105,6 фоиз қилиб бажарилди. Товар обороти ортишининг учдан бир қисми алкоголли ичимликлар сотиш ҳисобига ва товарларни харид қилишнинг ўртача гуруҳ чакана нархларини ошириш ҳисобига таъминланди.

Колбаса маҳсулотлари ва ўсимлик мойи сотиш 2,7 фоиз, гўшт ва гўшт маҳсулотлари — 5—12 фоиз, балиқ, мол ёғи — 9—12 фоиз, қанд-шакар — 8 фоиз, балиқ консервалари ва чой — 8—18 фоиз, тухум — 5 фоиз, қандолат маҳсулотлари, маргарин — 3—10 фоиз, гўшт консерваларини сотиш 2 фоиз кўпайди. Сельд балиғи сотиш 44 фоиз, пишлоқ сотиш деярли икки баробар қисқарди. Савдо ташкилотларида колбаса маҳсулотлари, сельд балиғи, чой, тухум, кондитер маҳсулотлари запаслари бўлишига қарамай, уларни вилоятнинг айрим регионларида сотишда узилишларга йўл қўйилмоқда.

Аҳолини эртаки сабзавот билан таъминлаш кескин муаммо бўлиб қолмоқда. Бу кўп жиҳатдан шу йилнинг биринчи чорагида уларни харид қилиш анча камайганлиги билан боғлиқдир.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминламаслик колхоз бозорида нархларнинг янада ортишига олиб келди. Масалан, Чирчиқ шаҳрида март ойида нархлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ошиқ бўлди. Унда товуқларга, кўк пиёз, дуккакли маҳсулотларга, асалга бўлган колхоз бозори нархи 16—25 фоиз, пиёз, қуритилган мевалар, ёнғоқларга нисбатан 40—43 фоиз, цитруслар ва олмага нисбатан 25—60 фоиз, янги карамга нисбатан 65 фоиз ошиб кетди.

Йилнинг ўтган чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ип ва шойи газламалар сотиш 2—4 фоиз, трикотаж буюмлари, кийимлар ва ички кийимлар 10 фоиз, пайпоқлар 25 фоиз, чарм-пойабзал 31 фоиз, атир ва кир совун сотиш 17—90 фоиз ошди. Жунли газламалар сотиш 10 фоиз, радиоприёмник қурилмалари 4 фоиз камайди. Телевизорлар сотиш 7 фоиз, шу жумладан рангли тасвирдаги телевизорлар сотиш 17 фоиз кўпайди.

Тикувчилик буюмлари, ички ва устки трикотаж, аёллар ва болалар колготкилари, пойабзал, эркаклар пайпоқларининг камёблиги сақланиб қолмоқда. Кўпгина газлама турлари очиқ савдода қолмади.

Аҳолининг электр рўзғор анжомлари, телерадиоэлектрон аппаратураси, фотокинотоварлари, соатлар, транспорт воситалари, мебель, идишлар ва бошқа товарларга нисбатан эҳтиёжи ҳамон қониқарсиз таъминланмоқда. Ўрмон ва бинокорлик материалларининг кўпгина турлари савдосида узилишлар бўлаяпти.

Совун ва сунъий ювиш воситалари савдосини нормал ҳолга келтириш тенденцияси сезилмоқда. Бироқ, вилоятнинг айрим ноҳиялари ва шаҳарларида, Тошкент шаҳрида уларни сотишнинг талон системаси сақланиб қолмоқда.

Аҳолига 170,2 миллион сўмлик **пулли хизмат** кўрсатилди. Бу 1989 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 10,7 миллион сўмлик кўпдир.

Ихтисослашган маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳолига 32,4 миллион сўмлик ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,8 фоиз кўп хизмат кўрсатди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш режаси ошириб бажарилди. Айни вақтда аҳолининг уйларни, квартираларни созлаш ва қуриш, шахсий фойдаланишдаги автотранспорт воситаларини, телерадиоаппаратларини ва бошқа шу кабиларни созлаш ва техника хизмати кўрсатишга бўлган талаби қондирилмади.

**Умумий фойдаланишдаги транспортда** йўловчиларга хизмат кўрсатишдаги камчиликлар ҳамон давом этмоқда. Январь-март ойларида самолётларнинг 12,4 фоизи, автобусларнинг 7 фоизи рейсларнинг бекор қилиниши, маршрутдан чиқиб кетиш оқибатида келмади ёки кечикиб келди.

**Алоқа корхоналари** аҳолига 12,1 миллион сўмлик ёки 1989 йилнинг январь-мартидагига нисбатан 26,4 фоиз кўп хизмат кўрсатди. Режа 106,1 фоиз қилиб бажарилди. Шу билан бирга почта алоқаси, почта жўнатмаларининг ва почта орқали юборилган пулларнинг тўла сақланиши таъминланмаяпти, хат-хабарларни ўз вақтида етказиб бермаслик ҳоллари содир бўлмоқда.

### УЙ-ЖОЙ ВА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҚУРИЛИШ

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига умумий (фойдали) майдони 407,1 минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 31 фоиз кўпдир.

Давлат маблағлари ҳисобига йиллик режанинг бажарилиши 18 фоизни ташкил этди. Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига қурилган уй-жойларнинг улуши ўтган йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан 51 фоиз кўпайди.

Давлатнинг марказлашган маблағлари ҳисобига уй-жойларни фойдаланишга топшириш биринчи чорак топшириғи Янгиобод шаҳрида, Оржоникидзе ва Паркент ноҳияларида, шунингдек Тошкент шаҳрида бажарилмади.

Тошкент шаҳрида кооператив уй-жой қурилиши бўйича йилнинг биринчи чораги режаси уддаланмади.

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 1480 ўқувчи ўрни бўлган умумий таълим мактаблари, 1025 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 105 ўринли касалхоналар, 300 беморни қабул қилишга мўлжалланган шифохоналар муассасалари қурилди. Касалхоналарни фойдаланишга топшириш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 72 фоиз қисқарди. Ижтимоий соҳа биноларини фойдаланишга топшириш бўйича йиллик топшириқларнинг бажарилиш даражаси 4—17 фоизни ташкил этди.

### АТРОФ-МУҲИТНИНГ АҲВОЛИ

Вилоятда экологик вазият кескинлигича қолмоқда. Тошкент, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ ва бошқа шаҳарларда ҳаво ҳавзасидаги ифлослантирувчи моддаларнинг тўпланиши энг кўп йўл қўйилиши мумкин бўлган нормадагидан ошиқ бўлди. Бундай аҳвол Тошкент ТЭЦи, Ангрен ГРЭСи, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси айби билан содир бўлди. Ангрен давлат ноҳия электр станциясида газ тозалаш қурилмалари иши устидан назоратнинг йўқлиги оқибатида бундай асбоб-ускуналарнинг 18 фоизи носоз аҳволда фойдаланилаяпти, 50 фоизи самарасиз ишлаяпти.

Бир йўла оқавалар атмосферанинг ҳолатига қаттиқ салбий таъсир кўрсатмоқда. Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги карбамид цехида иккинчи технологик қурилмани ишга тушириш оқибатида энг кўп миқдорда бир йўла оқава содир бўлди. Тошкент вилояти бўйича экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадларида биринчи чоракда 21 та газ тозалаш қурилмаси ишга туширилди.

### САНОАТ

Давлат буюртмаларига мувофиқ ҳамда истеъмолчилар билан бевосита алоқалар бўйича **маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари** 98,8 фоиз қилиб бажарилди. Бирлашмалар ва корхоналарнинг 11 фоизи шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминламади. Улар истеъмолчиларга 23,3 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермадилар.

Тошкент, Оҳангарон шаҳарлари, Ғалаба ва Калинин ноҳиялари саноатида шартнома мажбуриятларининг бажарилиш даражаси умуман вилоят даражасидан паст бўлди.

1990 йилнинг январь — мартида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва унинг бир кеча-кундузда тайёрланиши 1,4 фоиз кўпайди.

Меҳнат унумдорлиги 3,1 фоиз ортди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди.

Ўртача ойлик иш ҳақининг меҳнат унумдорлиги ўсишига нисбатан илдам ортиши сақланиб қолди.

Янги қувватларни ўзлаштиришда яхшиланиш содир бўлмади. 1990 йилнинг икки ойида сўнгги икки йилда ишга туширилган ва реконструкция қилинган 13 та лойиҳа қувватларининг (ўзлаштириш нормалари ҳисобга олинган ҳолда) иш билан таъминланиш ўртача кўрсаткичи бор-йўғи 36,1 фоизни ташкил этди. Тошкент абразив заводида (19,7 фоиз), «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида (13,2 фоиз), 5-панель уйсозлиги комбинатида (13,0 фоиз), Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида (11,1 фоиз) қувватларнинг ўзлаштирилиш даражаси жуда паст бўлди. Қувватлардан қониқарсиз фойдаланиш оқибатида 3 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот йўқотилди.

Шаҳарлар ва ноҳиялар бўйича саноатнинг иши қуйидагича бўлди (фоиз ҳисобида):

| | Маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилиши | Истеъмолчиларга етказиб берилган маҳсулот— миллион сўмлик | Шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар улуши | Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми ўсишининг амалдаги суръатлари |
|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳри | 98,3 | 17,2 | 16 | —0,8 |
| Тошкент вилояти | 99,3 | 6,1 | 12 | 4,0 |
| **Шаҳарлар:** | | | | |
| Олмалиқ | 98,8 | 2,8 | 21 | 8,2 |
| Ангрен | 99,9 | 0,053 | 13 | 12,0 |
| Оҳангарон | 98,4 | 0,7 | 25 | 0,1 |
| Бекобод | 99,4 | 0,4 | 20 | 15,5 |
| Нариманов | 100,0 | — | — | 8,5 |
| Чирчиқ | 99,4 | 1,2 | 12 | —1,3 |
| Янгийўл | 99,9 | 0,031 | 9 | 0,8 |
| **Ноҳиялар:** | | | | |
| Оққўрғон | 100,0 | — | — | 0,7 |
| Оҳангарон | 99,8 | 0,007 | 50 | —1,5 |
| Бекобод | 100,0 | — | — | —0,8 |
| Бўстонлиқ | 99,4 | 0,1 | 11 | —1,6 |
| Бўка | 100,0 | — | — | —4,8 |
| Ғалаба | 98,5 | 0,2 | 10 | 6,8 |
| Калинин | 98,4 | 0,6 | 22 | —3,4 |
| Коммунистик | 100,0 | — | — | —14,8 |
| Оржоникидзе | 100,0 | — | — | 10,7 |
| Паркент | 100,0 | — | — | —4,7 |
| Пискент | 100,0 | — | — | 13,3 |
| Ўрта Чирчиқ | 100,0 | — | — | —13,4 |
| Тошкент | 99,7 | 0,039 | 50 | 6,5 |
| Чиноз | 100,0 | — | — | 2,0 |
| Янгийўл | 99,9 | 0,007 | 13 | —16,1 |

Халқ хўжалик комплекслари бўйича саноат иши қуйидагича бўлди:

### ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ

| | 1990 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқарилгани | Топшириқнинг бажарилиш фоизи | 1990 йилнинг биринчи чорагида 1989 йилнинг биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Электр энергияси — миллиард киловатт-соат | 6,7 | Х | 116,4 |
| Кўмир — миллион тонна | 1,4 | 102,4 | 100,4 |

### МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ

Прокат пўлатини ишлаб чиқаришнинг биринчи чоракка режалаштирилган ҳажмига эришилди. Айни вақтда Ўзбекистон металлургия заводи прокат ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмасини (99,5 фоиз) бажармади.

1989 йилнинг биринчи чорагига нисбатан маҳсулот етказиб бериш интизоми ёмонлашди. Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми 6 миллион сўмликни ташкил этди. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари 98,3 фоиз бажарилди. Бирлашмалар ва корхоналарнинг 36 фоизи шартнома мажбуриятларини уддаламади.

### МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

| | 1990 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқарилгани | Топшириқнинг бажарилиш фоизи | 1990 йилнинг биринчи чорагида 1989 йилнинг биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Куч трансформаторлари — миллион киловольт-ампер | 2,4 | 110 | 105 |
| Компрессорлар — минг дона | 2,9 | 92 | 99 |
| Кимё асбоб-ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар— миллион сўмлик | 9,4 | 102 | 91 |
| Йигирув машиналари — дона | 384 | 113 | 88 |
| Тракторлар — минг дона | 6,1 | 100,1 | 98 |
| Қишлоқ хўжалик машиналари — миллион сўмлик | 29,2 | 103,9 | 76 |
| Пахта териш машиналари — минг дона | 1,3 | 105 | 74 |
| Экскаваторлар — дона | 257 | 72 | 87 |

Комплекс товар маҳсулоти ҳажмида СССРда биринчи бор ўзлаштирилган буюмларнинг солиштирма вазни деярли икки баробар камайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг салкам чорак қисмини ўн йилдан ошиқроқ вақтдан бери тайёрланаётган маҳсулотлар ташкил этади.

Пахта териш машиналари, трактор культиваторлари, йигирув машиналари, кимё асбоб-ускуналари 1989 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан кам чиқарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бундай камайиши режада назарда тутилган эди.

### КИМЁ-ЎРМОН КОМПЛЕКСИ

| | 1990 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқарилгани | Топшириқнинг бажарилиш фоизи | 1990 йилнинг биринчи чорагида 1989 йилнинг биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Минерал ўғитлар (тўйимли моддалари 100 фоизга айлантириб ҳисоблаганда) — минг тонна | 205 | 106 | 113 |
| Олтингугурт кислотаси— минг тонна | 396 | 98,9 | 113 |
| Сунъий смола ва пластик массалар — минг тонна | 23,9 | 96,2 | 111 |
| Доривор воситалар — миллион сўмлик | 15,0 | 101 | 110 |
| Қоғоз — минг тонна | 6,5 | 103 | 100,0 |
| Картон — минг тонна | 1,9 | 104,3 | 100,9 |

### БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ

| | 1990 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқарилгани | Топшириқнинг бажарилиш фоизи | 1990 йилнинг биринчи чорагида 1989 йилнинг биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Цемент — миллион тонна | 0,6 | 103 | 102 |
| Асбоцемент тахталари (шифер) — шартли миллион плита | 72,1 | 122 | 125 |
| Асбоцемент қувурлари ва ҳалқалари — шартли минг километр | 0,6 | 102 | 102 |

Истеъмолчилар 22,7 минг куб метр йиғма темир-бетон ололмай қолдилар.

### АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

1990 йилнинг январь—мартида саноат комплексининг маҳсулоти ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,9 фоиз камайди. Агросаноат комплекси корхоналари шартнома мажбуриятларини 99,8 фоиз қилиб бажардилар. Умуман истеъмолчиларга 0,4 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Вилоят хўжаликларида баҳорги дала ишлари олиб борилмоқда. Техникани тайёрлаш тугалланаяпти. Бироқ, Оққўрғон ноҳияси хўжаликларида 228 та, Бекобод ноҳиясида 178 та, Ғалаба ноҳиясида 272 та, Пискент ноҳиясида 178 та ва Янгийўл ноҳияси хўжаликларида 163 та трактор тахт қилинмади. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Ғалаба ва Бўка ноҳиялари хўжаликларида озуқа йиғувчи техникани созлаш суст бормоқда. Пискент, Ғалаба, Бўка, Коммунистик, Оққўрғон ва Янгийўл ноҳиялари хўжаликларида кўпгина пуркагичлар ва чанглатгичлар ишга тайёр эмас эди.

Тошкент вилояти хўжаликлари шу йилнинг 16 апрелигача 92,8 минг гектар майдонга баҳорги экинларни экдилар, шу жумладан дон ва дон-дуккакли экинлар (маккажўхоридан ташқари) 5,2 минг гектар майдонга, чигит 37,1 минг гектарга экилди.

(Давоми 3-бетда).

